O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 26 октябрь, № 209 (4108) Пайшанба

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 октябрда "Ўзэкспомарказ"нинг павильонларида давом этаётган "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмасига ташриф буюрди.***

Давлатимиз раҳбари кўргазма экспозицияларини кўздан кечирди. Бу ерда мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш, ун ва ем ишлаб чиқариш, боғдорчилик ва узумчилик учун минитехника ва ускуналар, қадоқлаш-ўраш линиялари, ўсимликлар муҳофазаси учун кимёвий моддалар, қоракўлчилик ва терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжаликлари учун ускуналар кенг намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз азал-азалдан ширин-шакар, экологик тоза мева ва сабзавотлари билан машҳур. Бугунги кунда Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш бўйича нафақат МДҲда, балки дунёнинг кўпгина мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Бу давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш асосида тармоқда кенг кўламли тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга қаратаётган улкан эътибори натижасидир. Ислоҳотлар деҳқон ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилишига, ўз меҳнати самараларидан манфаатдор бўлишига қаратилган. Юртимизда фермерлик ҳаракати кенгаймоқда, кичик бизнес корхоналари сони ортмоқда, бу эса етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга, унинг сифатини яхшилашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ республика агросаноат мажмуи экспорт салоҳиятини ошириш, етиштирилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни янада такомиллаштириш, яъни ҳосилни йиғиб олиш билан чекланмасдан, маҳсулотни қайта ишлаш ва қадоқлаш босқичигача етказиш талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонаси энг замонавий минитехнологиялар ва ускуналарга эга бўлиши, улар ёрдамида маҳсулотни тез ва сифатли қайта ишлай олиши зарур.

Бу муҳим муаммо ўз ечимини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 августдаги қарорига кўра "Ўзэкспомарказ"да моҳияти ва кўлами жиҳатидан ўзига хос бўлган қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаси ташкил этилди. Унда дунёнинг 25 мамлакатидан қарийб 200 компания иштирок этмоқда. Улар орасида Германия, Исроил, Италия, Хитой, Польша, Россия, Туркия, Франция вакиллари бор.



Дунёдаги энг яхши техника билан танишиш ва уларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш учун кўргазмага мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 3 мингдан ортиқ фермер, агрофирма ва кичик корхоналар раҳбарлари ташриф буюради. Харидларни молиялашнинг энг фойдали шартлари хусусида кўргазманинг ўзида уларга Ўзбекистон тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари мутахассислари маслаҳатлар бермоқда. Шартномаларни расмийлаштириш ҳамда сотиб олинган ускуналарни республиканинг исталган жойига етказиш борасида ёрдам кўрсатилмоқда.

Президент Ислом Каримов кўргазма доирасида фермерлар учун ташкил этилган семинар иштирокчилари билан учрашди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлардан, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришдан кўзлаган бош мақсадимиз — одамларда ерга, мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш орқали халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат, — деди давлатимиз раҳбари. — Чунки, моддий рағбат инсонни янги ташаббус ва ютуқларга етаклайди. Кўргазма-савдо жараёнида замонавий техника ва технологияларни харид қилаётган фермерларимиз ўзи сарфлайдиган ҳар бир сўм эртага ўн баравар бўлиб қайтишини назарда тутмоғи зарур.

Бунинг учун фермер техникага харидор бўлиш асносида унинг энг замонавийсини, ўзини ҳар жиҳатдан оқлайдиганини танлаши лозим. Шунингдек, бундай минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилишда фермер нафақат ўз ҳисоб рақамидаги маблағлардан, балки банклар кредитларидан ҳамда лизинг усулидан самарали фойдаланмоғи даркор.

Энг муҳими, деҳқон ва фермерларимиз ўзлари етиштирган маҳсулотларни фақат хомашё сифатида эмас, балки қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолида ҳам сотиш ва шу орқали катта даромад олиш имкониятига эга бўлсин.

Юртбошимиз замонавий билимларни эгаллаётган бугунги ёшларимиз илғор техника ва технологияларни ўзлаштиришда ҳам ҳеч кимдан кам эмаслигини алоҳида таъкидлади. Шу маънода ушбу кўргазмада намойиш қилинаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан ёшларимиз яқиндан танишишлари айни муддао бўлур эди.

Мазкур кўргазмада қатнашиш хорижий компаниялар учун ҳам фойдали. Хорижий иштирокчиларнинг фикрича, бу ерда мисли кўрилмаган қулай шароитлар яратилган. Улар ўз ускуналарини Ўзбекистон ҳудудига божхона тўловисиз олиб кириш имтиёзига эга бўлиб, сотиш эса қўшимча қиймат солиғи тўламай амалга оширилади. Бундан ташқари, "Ўзэкспомарказ"нинг кўргазма павильонлари уларга бепул тақдим этилган.

Мамлакатимиз раҳбари Германия, Австрия, Италия, Франция, Швеция, Польша, Россия компаниялари ва фирмалари маҳсулотлари билан танишиш чоғида улар намойиш этаётган минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни харид қилиш билан кифояланиб қолмай, балки узоқ муддатли ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратди.

— Кўргазмага келган фермерлар Минск ва Харьков трактор заводларининг маҳсулотларини таққослаб кўриши, уларнинг қайси бири бизнинг тупроқ-иқлим шароитимизга кўпроқ мос келишини ўрганиши лозим, — деди Ислом Каримов.

Юртбошимиз Хитой, Жанубий Корея, Туркия компания ва фирмаларининг кўргазмада намойиш этилаётган техника ва ускуналарини ҳам кўздан кечирди.

"Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006" кўргазмасининг асосий натижаси фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари ўзлари танлаган ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш, ишлаб чиқарувчилар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатишидан иборатдир. Пировардида деҳқонларимиз ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлаш, экспорт таннархини ва даромадларини ошириш имкониятига эга бўлади.

Эътиборли томони шундаки, 10 ноябрдан бошлаб ушбу кўргазма фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи кичик корхоналар учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар сотиладиган доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма-савдо сифатида ўз ишини давом эттиради.

— Бундай кўргазмалар дунё билан, дунёнинг энг илғор технологиялари, замонавий ускуналар билан танишиш имконини бериши билан ҳам аҳамиятлидир, — деди Президентимиз. — Ушбу минитехнологиялар ва ихчам ускуналарни сотиб олиш билан чекланмай, бундай техника воситаларини ўзимизда ҳам ишлаб чиқаришни, уларга сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйишни ўйлашимиз зарур.

Кўлами жиҳатидан ноёб бўлган мазкур халқаро кўргазма-савдонинг ташкил этилиши мамлакатимизда қайта ишлаш корхоналарининг кенг тармоғини янада ривожлантириш учун хизмат қилади. Бу экспорт ҳажми, халқимиз фаровонлигини ошириш ва жаҳон хўжалик муносабатларида Ўзбекистон иштирокини янада кенгайтиришга кўмаклашади.

**Анна ИВАНОВА,**
**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбирлари.**

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Рамазон ҳайити муносабати билан Туркия Республикаси ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий табриклайман ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

**Режеп Таййип ЭРДОҒАН,**
**Туркия Республикаси Бош вазири**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Озарбойжон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан чин қалбдан муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллаш менга мамнуният бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳдан Сизга, мамлакатингиз халқига ва барча мусулмонларга тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Чуқур эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини самимий табриклайман.

Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг келгусида ҳам тараққий этиб боришини сўраб қоламан.

**Эмомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Жаноби Олийлари,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Бангладеш халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Сизга самимий табрик ва қизғин тилакларимни йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва осойишталик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Холида ЗИЁ,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Жаноби Олийлари,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллашдан бениҳоя мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаган ҳолда, қодир Аллоҳдан Ўзбекистон халқи ва барча мусулмонларнинг фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда мададкор бўлишини сўраб қоламан.

Юксак эҳтиром ила,

**Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва холис тилакларимни йўллаш менга шараф бағишлайди.

Аллоҳдан Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда халқингизга эзгулик ва юксалиш, мусулмонларга бахт ва баракот ато этишини сўрайман.

**Амр МУСА,**
**Араб Давлатлари Уюшмаси Бош котиби**

## МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ НЕМИС ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Берлиндаги Макс Планк номидаги Фан тарихи илмий институтида Хоразм Маъмун Академияси 1000 йиллигига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Юртимизнинг ГФРдаги элчихонаси кўмагида ташкиллаштирилган учрашувда Германиянинг етакчи шарқшунос-олимлари, тарихчилар, илмий, сиёсий доиралари, жамоатчилик ва мамлакатдаги хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

ГФРдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказларидан бири ҳисобланган Макс Планк институти фаолиятида Ўзбекистон тарихини ўрганиш масалалари муҳим ўрин тутади.

Конференцияда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчиси Бахтиёр Ғуломов сўзга чиқиб, тадбир қатнашчиларига мамлакатимиз ҳукумати томонидан ўзбек халқи тарихий, маданий ва илмий меросини тиклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида сўзлаб берди.

Конференция иштирокчиларини қутлар экан, **Берлин Сенатининг фан масалалари бўйича давлат котиби Ханс Хузунг** Марказий Осиё юрагида жойлашган Ўзбекистон асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни, турли миллат ва маданиятларни бир-бирига боғлаб турувчи кўприк бўлиб келганини қайд этди. У Ўзбекистон ҳукумати томонидан илмий-маданий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. «Хоразм Маъмун Академиясининг тикланиши Ўзбекистон раҳбарияти мамлакат халқининг илмий ва маданий меросига улкан эътибор қаратаётганига ёрқин далил бўлиб хизмат қилади», -деди Х. Хузунг.

**Макс Планк институти директори, профессор Юрген Ренн**нинг фикрича, қадимий маданият марказларидан бири бўлган Ўзбекистон заминидан жаҳон фани тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган кўплаб буюк олимлар етишиб чиққан.

— Мамлакат ҳудуди бўйлаб ўтган Буюк Ипак йўли фақатгина савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилмасдан, балки Ғарб ва Шарқ ўртасидаги фан ва билимлар алмашинуви, Хоразм Маъмун Академияси каби илмий ҳамжамиятларнинг ташкил топишида муҳим аҳамият касб этган, — деди олим.

Ю. Ренн, шунингдек, Макс Планк институтида Маъмун Академиясининг 1000 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган конференция ўзбек халқи тарихи, маданияти ва анъаналари Германия жамоатчилиги орасида янада оммалашувига хизмат қилиши ҳамда икки илмий марказ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга туртки беришини қайд этди.

Беруний ва Ибн Сино каби буюк алломаларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш борасида Германиядаги етакчи тадқиқотчилардан бири — **Берлин-Бранденбург фанлар академияси ва Берлин Эркин университети профессори Готхард Штромайер** жаҳон цивилизациясининг қадимий илм-фан марказларидан бўлган Хоразм Маъмун Академияси узоқ вақт мобайнида минтақанинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва маданий ривожланиши жараёнида муҳим ўрин тутганини таъкидлаб ўтди.

Г.Штромайер Хоразм академиясида ижод қилган мутафаккирлар — Ибн Сино ва Беруний илм-фан тараққиётида беқиёс ўрин тутишига эътибор қаратди. «Улар ўртасидаги фалсафий мавзулар ва Арасту асарларига оид ёзишмалар чуқур ўрганилиши лозим бўлган муҳим ва қизиқарли манбалардир», — дейди немис олими.

Конференция доирасида «Хоразм Маъмун Академияси — кўҳна ва навқирон илм-фан саройи» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. У Ўзбекистон элчихонаси томонидан «Peter Stein Verlag» нашриёти кўмагида инглиз ва немис тилларида чоп этилди. Ушбу китобда академиянинг ташкил этилиш тарихи, унинг олимлари томонидан табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан тикланган мазкур илмий марказнинг илмий ва амалий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади.

Шунингдек, Ўзбекистон элчихонаси томонидан Германиянинг қатор илмий ташкилот ва муассасалари ҳамкорлигида тайёрланган Маъмун академияси фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА**
Берлин

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Александр Вешняков раҳбарлигидаги Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзаулуғбек Абдусаломов билан учрашди.*

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Учрашувда икки мамлакат Марказий сайлов комиссиялари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, сайлов технологияларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳамда сайлов қонунчилигини демократлаштириш масалалари муҳокама этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Дунё нигоҳи

**Дэвид ОУЭН,**
**Халқаро валюта жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти катта маслаҳатчиси:**

Марказий Осиё минтақасида макроиқтисодий кўрсаткичлар юқорилигича турибди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда 2006 йилда иқтисодий ўсиш ўртача 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Кейинги ўн йилликда етти йилдан буён муттасил юқори кўрсаткичлар барқарорлиги таъминланганлиги туфайли минтақа мамлакатларида ЯИМни реал ифодалаганда қарийб икки баробар кўпайтириш имкони туғилди. Бундай ўсишга минтақага четдан кўплаб сармоя киритилиши, нефть ва бошқа хомашё моллари, пул ўтказмалари ҳамда сармоя оқими кўпайганлиги сабаб бўлди, булар барча мамлакатларда валюта захиралари кўпайишига олиб келди.

## «Камолот»нинг янги дастури тайёрланмоқда

**Кеча "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида ҳаракатнинг янги таҳрирдаги дастури лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Халқ таълими вазирлиги, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ва "Ўзбекистон" нашриёти Маънавият марказларининг мутахассисларидан тузилган мазкур ишчи гуруҳи аъзолари "Камолот" ЁИҲ дастурига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни қизғин муҳокама қилдилар.

— "Камолот"нинг ёшлар орасида ўз муносиб ўрнига эга бўлолмаётганига сабаблар бор, — деди Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р. Ахлиддинов биз билан суҳбатда. — Фақатгина тадбирлар уюштириш, турли мажлисбозликлар ўрнига ёшларнинг дардини тинглаб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга имкон қадар кўмаклашиш зарур. Дастурда шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Йиғилишда таъкидланишича, янги таҳрирдаги дастур расмий ва мураккаб жумлалардан холи бўлиши, унинг ҳар бир бандида аниқ тамойилларга асосланган вазифалар акс этиши лозим.

**М.ОХУНОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Таълим**

*1979 йили бир зарурат билан Афғонистоннинг Пули Хумри деган шаҳрига борганимизни, шаҳарнинг мактабида тунаб қолганимизни эслайман. Қарангки, 50 мингга яқин аҳоли яшайдиган жойда биттагина мактаб ишлар экан. Униям денг, иморати пахсадевор. Деворларидан тортиб пол ва шифтлари — лойсувоқ. Бу ҳолатдан ўшанда биз ажабланмаган эдик. Чунки ўша даврларда Садриддин Айний тасвирлаган эски мактабни эслатгувчи бунақа даргоҳлар ўзимизда ҳам кўп эди.*

# ҚУЁШ МАКТАБДАН ЧИҚАДИ

Мустақиллигимизнинг шарофатидан бугун мактабларимиз янгиланиб кетди! Тошкентдан келган бир меҳмонимиз Жарқўрғон туманининг чет бир қишлоғидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг ярқиллаган жамолига маҳлиё бўлиб, бу қайси бир бахти кулган бойваччанинг кошонаси, деб юборди.

— Бу — бахти кулган қишлоқнинг мактаби, — деган гапимдан завқланган меҳмон билим кошонасидан кўзини узмай қараб қолди.

Шўрчи туманининг Оққамар маҳалласида мактаб йўқ эди. Болалар овул ошиб, йўл ҳатлаб узоқ қишлоқ мактабига қатнардилар.

Оққамарда яқинда янги мактаб ишга туширилди. Мактаб бўлганда қандай денг: икки қаватли, 640 ўқувчи ўринли. Ошхоналию компьютерли. Кутубхоналию спорт залли. Ҳовлиси гулзору деворлари зархалли. Мактаб очилган куни бу ерга Оққамарнинг катта-кичик фуқароси келди. Ёши тўқсонга яқинлашган бобо-лар, момолар партага ўтириб олиб қўлларини дуога очдилар. Бунақа қасрларнинг биз фақат суратларини кўрардик. Мустақиллик бизга етти ухлаб тушимизга кирмаган неъматларни ато этмоқда. Армонларимизнинг ушалаётганига шукр. Юртбошимизнинг ҳимматларига ташаккур деган сўзлари бодом гулларидай яшнаб турган невaралар қалбида муҳрланиб қолди.

Деновнинг узоқ тоғ қишлоғи — Кўкабулоқда болалар мактабга боришдан кўра эчкиларини яйловга ҳайдашни хуш кўрардилар. Партанинг эскилиги, дарсликларнинг етишмаслиги, тўгаракларнинг деярли ишламаслиги, қишда синфхоналарнинг совиб қолиши таълим сифатидан тортиб давоматга ҳам соя солиб турарди.

Бу ердаги манзара бугун бутунлай бошқача! Кўкабулоқда ҳам янги мактаб қурилди. Янги мактабни тоғ одамлари дорилфунун деб атай бошладилар.

Ҳа, вилоятда ҳозир 835 та умумий ўрта таълим мактаби бўлса, шуларнинг аксарияти янги қурилган, тубдан таъмирланган. Ҳукуматимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра 2006 йилнинг ўзида 2205 ўринли 4 та янги мактаб қурилди. 37 мактабда капитал таъмирлаш юмушлари бажарилди. Энг муҳими, таълим ишига, мактабга муносабат яхшиланмоқда.

— Яқин икки-уч йил давомида бошқа ишга ўтиб кетган икки юздан ортиқ муаллим яна мактабга қайтди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассиси Муқаддас Аллабердиева. — Ёшлар ўртасида ўқитувчиликка қизиқаётганлар кўпаймоқда. Ўқитувчи бугун ўз қишлоғи, маҳалласининг нуфузли, обрўли одамига айланиб бормоқда.

Ўз касбига қайтганлардан бири — Баҳодир Жумаев. Қумқўрғондаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг ўқитувчиси. Муаллимлик иш бўптими, деб у бундан бир қанча йил аввал дарслик китобларини сандиққа уриб, тижорат ишига шўнғиб кетган эди. Баҳодир бу юмушдан ҳам завол топгани йўқ. Лекин... Мактаб деса юраги жизиллайдиган бўлди. Ҳукуматимизнинг мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги ғамхўрликлари, ўқитувчиларнинг маошларини оширишдаги тадбирлари ва ниҳоят касбкорлик жозибаси уни яна мактаб сари етаклади.

— Рафиқам Санобар ҳам ўқитувчи, — дейди Баҳодир. — Икки фарзандимиз институтда ўқияпти. Рўзғоримиз обод. Бу фаровонлик касбимиз шарофатидан. Мустақиллик бизга мактабларимизни тиклаб берди. Муаллимнинг жамият ҳаётидаги ўрни, масъулияти, нуфузини тиклади. Шу ғамхўрликларга жавобан энди биз қанча яхши ишласак шунча оз.

— Сиз бошда эслаган қўшни мамлакатда 200 та ўқувчига битта ўқитувчи тўғри келар экан, — дейди Жарқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири Содиқ Шерматов. — Бизда-чи? Ҳар ўн учта ўқувчига битта ўқитувчи сафарбар этилган. Ўқитувчининг самарали ишламоғи учун барча шарт-шароит яратилгани ҳаммасидан ҳам зиёда ғамхўрлик. Шундан келиб чиқиб биз ғамхўрликка талабчанликни, виждонан ишлаш тамойилини омухта қилмоқдамиз. Ўқитувчимисан, шогирдинг ҳунарманд, касб-корли бўлсин. Устозмисан, иқтидор ниҳолидан қўлингда чинорлар кўкка бўй чўзсин. Муаллиммисан бугунги меҳнатинг келажакка, юртингга минг йил мева берадиган бўлсин.

Содиқ Шерматов яна айтадики, ҳозир вилоятда қирқ мингтага яқин одам ўқитувчи бўлиб ишлаб, маош олиб турипти. Уларнинг ҳар бири йилига ҳеч бўлмаганда биттадан муносиб шогирдни ҳаётга учирма қилсами, маънавият оламидаги қасрларимиз тағин ҳам нурафшон тортиб кетар-а...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси ўртасида ҳамкорлик ва ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисида протокол имзоланди.

Ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон ва Россия Марказий сайлов комиссиялари раҳбарлари томонидан имзоланиши икки давлат Президентлари Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувларида эришилган келишувлар, жумладан Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси россиялик ҳамкасблари билан икки томонлама алоқаларни доимо мустаҳкамлаб, ривожлантириб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси делегацияси жорий йилнинг март ойида Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг Москвада бўлиб ўтган "Давлат Думасига сайловларнинг 100 йиллиги: тарих ва ҳозирги замон" мавзусидаги илмий-амалий конференцияда қатнашди.

— Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлигимизни юқори баҳолайман, — деди Александр Вешняков журналистларга берган интервьюсида. — Кейинги икки йил ичида сайловлар билан боғлиқ тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборот алмашинувини изчил йўлга қўйганмиз. Бу ҳар икки томон делегацияларининг ташрифларини, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тартибга солувчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар алмашишни ҳам ўз ичига олади. Бугун ушбу ҳужжатнинг имзоланиши мавжуд ва айни пайтда ўзаро фойдали алоқаларнинг мутлақо янгича аҳамият касб этаётганининг амалий тасдиғидир. Менимча, бу бизнинг муносабатларимиз янада ривожланиб, ўзаро фойда келтиришида муҳим омил бўлади. Россия ва Ўзбекистон ўртасида сайлов жараёни, сайлов ҳуқуқи соҳасидаги ҳамкорлик катта истиқболга эга, деб ҳисоблайман. Чунки замонавий тарих ва ўзаро муносабатларимизда муштарак жиҳатлар кўп.

**(ЎзА)**



Тайлоқ тумани аҳолиси асосан, мева-сабзавот, узумчилик ва ғаллачилик билан шуғулланади.

— Жорий йилда туманимиз бўйича 24 минг 700 тонна узум, 46 минг тонна помидор, 4 минг 600 тонна мева етиштириш режалаштирилган, — дейди «Токзор барака файз» агрофирмаси раҳбари Қобилжон Арабов. — Муҳими, барча хомашё туманимизда фаолият кўрсатаётган бешта корхонада қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида харидорларга етказиб берилади. Шунингдек, Тайлоқ заминида етиштирилган узумдан тайёрланган винога бўлган эҳтиёж ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, туманда тайёрланган вино маҳсулотларини келгусида Россия, Украина ва Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

**СУРАТДА: «Токзор барака файз» агрофирмаси соҳибкори Муҳаббат Хусанова.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Ислом КАРИМОВ:**

*Ҳар қандай юрт ўзининг буюк фарзандлари, шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлари билан табаррук ва муқаддасдир. Қашқадарё заминида бундай инсонлар жуда кўп ўтган. Биргина қадимий Насаф шаҳридан «Насафий» тахаллуси билан шуҳрат қозонган ўнлаб фозил зотлар етишиб чиққани бунинг ёрқин далилидир.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қатор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди.*

# Лойиҳалар юзасидан фикрлашув

Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва Солиқ кодексининг 71-моддасига, Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари муҳокамаси мазкур йиғилиш кун тартибидаги асосий масалалар бўлди.

Фракция депутатлари 2007 йилги давлат бюджети лойиҳасини муҳокама этишар экан, партия иқтисодиётнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсишини қўллаб-қувватлашга қаратилган таркибий-инвестиция сиёсати амалга оширилишида ҳамкор бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, муҳокамада сўзга чиққанлар бюджет лойиҳаси ЎзЛиДеПнинг дастурий вазифалари билан кўп жиҳатдан ҳамоҳанг эканини қайд этдилар.

Йиғилишда, шунингдек, Солиқ кодексининг 71-моддасига ва Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари лойиҳалари юзасидан ҳам фикрлашиб олишди. Зарур таклифлар ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Ажабо!**

*Мен бу қўрғонга киришга бир ойдан кўпроқ уриндим. Лекин кира олмадим. Ва бундан кейин ҳам киришга кўзим етмагач, ушбу сатрларни ёзишга мажбур бўлдим. Ҳарқалай, ўша қўрғоннинг олдида ойлаб мустар бўлиб турган одамлардан фарқли ўлароқ, менинг битта имтиёзим — қўлимда мухбирлик гувоҳномаси мавжуд эди.*

*Эҳтимол, баъзилар мени ландовурликда айблашар. Тўғри, казо-казоларни ўртага қўйиб, бу қўрғонни ёриб киришим мумкин эди, аммо мен бу идора ҳақида одамлардан эшитганимни ўз кўзим билан кўрмоқчи, миш-мишлар ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини амалда синаб билмоқчи бўлдим. Ва англадимки, унинг деворлари жуда мустаҳкам, қолаверса, томларигача кучли зирҳланган экан. Ҳатто Гўрўғли ёки Алпомишдан Ғиркўк ёхуд Бойчиборни ижарага олиб турганимда ҳам ундан ошиб ўтишим даргумон экан. Хўш, ўзи нима гап? Нега бу идорага "ишқинг" тушиб қолди, деб сўрарсиз.*

# ЗИРҲЛИ ҚЎРҒОН

## Унинг остонасидан ўтиш учун қанча муддат керак?

Бу идорага "ишқимиз" эмас, ишимиз тушиб қолди. Таҳририятга шикоят билан келганлардан бири, аниқроғи, учтепалик Барно Султонбоева эри ва куёвини хорижга ишга жўнатиш учун бу идора остонасида ойлаб сарғайиб ўтирганлигини, лекин киролмасдан кўчадаги бир фирма билан шартномалашиб чув тушганлигини ёзибди. Шу туфайли биз Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги деб аталмиш бу идоранинг мақоми, вазифалари билан қизиқдик. Улар кимларни ва қай тартибда хорижга ишга жўнатаётганлиги ҳақида "Халқ сўзи" газетхонларини ҳам бохабар этмоқчи бўлдик.

Маълумотхонадан бу идоранинг телефон рақамини олиб, сим қоққанимизда, табиийки, гўшакни котиба кўтарди. Исми Санобар экан. Биз ўзимизни таништириб, идора раҳбари Ғафуржон Усмоновни сўрадик. Йўқ эканлар. Эртасига шу ҳол яна такрорланди. Учинчи ва тўртинчи кунлар ва бус-бутун ҳафта ҳам шу зайлда ўтди. Котибага бизнинг, яъни таҳририятнинг жуда зарур иши борлигини, бир ҳафтадан буён излаётганимизни, иложи бўлса, бу ҳақда унга айтиб қўйишини илтимос қилдик.

— У кишининг хабарлари бор, фақат вақтлари йўқ.

Котибанинг бу жавоби иккинчи ҳафтада ҳам худди пластинкадай айланиб турди.

Мухбир зотининг бунчалик сур бўлишини котиба қаердан билсин, биз сим қоқавериб, унинг қулоғини қоматга келтирдик. Уринишларимиз, ҳарқалай, зое кетмади. Учинчи ҳафтанинг охирида биз кутган, аниқроғи, интилган воқеа содир бўлишига озгина қолди. Раҳбар жаноблари рўйхушлик берган чоғи, котиба келадиган ҳафта (аниқроғи, тўртинчи ҳафтанинг ўртаси) чоршанба куни соат 14.00 да қабулга келишимизни буюрдилар. Шу лаҳзаларда дунёда биздан-да бахтиёр одам йўқ эди. Дўппимизни осмонга отиб, келгуси чоршанба айтилган вақтда агентликка етиб бордик. Бордиму ҳайрон қолдим. Агентликнинг олдида одам ниҳоятда гавжум эди. Кейин билсам, ўша куни Ғафуржон Усмоновнинг фуқароларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш куни экан. Оббо, менинг шахсий ишим йўқ эди-ку? Аксига олиб, қоровулнинг узун-дан-узун рўйхати бўйича навбатга туриш учун вақтим ҳам йўқ. Пастдан туриб котибага сим қоқдим. Овозим ҳам таниш бўлиб қолган, шекилли, "Одамларнинг кўплигига эътибор қилманг, Ғафуржон Шавкатович келишлари билан сизни ўзим чақириб оламан", деди Санобархон.

Талатўп вазиятдан, сал ранжиган бўлсак-да, котибанинг бу марҳаматидан кайфият кўтарилди.

Газетхон адашиб кетмаслиги учун бу воқеа 2006 йилнинг 18 октябрь соат 13.30 да бўлаётганлигини айтиб қўяйлик.

Сабру тоқатимга таҳсинлар айтиб, роппа-роса икки соат кутдим. Телефон ҳам, мени йўқлагувчи зот ҳам бўлмади. Энг ёмони, қабулга келувчилар кўчада туришар, на ўтиришга, на ёмғир томчиларидан паналашга бошпана бор эди. Икки соат мобайнида кўчада тик оёқда туриш жонига тегди, шекилли, одамлар норози кайфиятда бирин-кетин тарқала бошлади. Чунки уларнинг дардини тинглагувчи раҳбар келмади.

— Ҳар ҳафта Янгиердан келаман, киролмайман, — дейди ўзини Асилбек деб таништирган киши. — Раҳбарнинг ҳафтада бир марта қабул куни бор, уям бўлса уч-тўрт соат. Президентимиз раҳбарларга одамлар кўнглига йўл топинглар, уларнинг дардини ўрганинглар, деди. Булар эса одамлардан қочади. Бир ярим йил бўлди, «Ўғлингиз Кореяга кетади, пулини тўланг», дейишди. Ҳисобларига 1,5 млн. сўм ўтказиб бердим. Ўғлим тил ўрганиш курсида ҳам ўқиди, унгаям қанча харажатим кетди, Янгиердан келиб-кетишнинг ўзи бўладими? Энди эса «Пулингизни қайтариб олинг, сизни алдашибди», дейди. Ё тавба, фирмаларга ишонманг, алдайди дейишарди, демак, давлатнинг идорасида ҳам товламачилар бор экан-да? Ана у болага қаранг, Кореяга бориб ишлаб кепти, энди ҳақини ололмай сарсон.

Майли, бу кўчада навбатда турганларнинг гапи. Агар менга ўхшаб сиз ҳам бу ерда бирор соат турсангиз, елкангизга бунақа дийдиёлардан анчасини ортмоқлаб олиб кетасиз.

Аммо шу онда Асилбек аканинг гапларини тинглаб, халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимизнинг айтган гаплари ёдимга тушди. Юртбошимиз сессияда ҳар бир раҳбар эл-юрт ташвиши билан яшаши, одамларнинг орзу-интилишларига қанот бағишлаши зарурлиги ҳақида куйиниб гапирдилар. Ва бунинг акси ўлароқ, «...турли раҳбарлик вазифасида ўтирганлар одамларнинг ҳаётий интилишларига, дарду ташвишларига совуққонлик билан қараб, қўл-оёғимизни ипсиз боғлаб турган эски қолиплардан чиқиб кетиш учун етарли ҳаракат қилмаяпти», деб афсусландилар. Ҳаётда бунга истаганча мисоллар топилади. Зеро, ушбу воқеанинг ўзи бир мисол эмасми? Ахир, катта бир газетанинг мухбирики бу идорага киролмаяпти экан, оддий фуқароларга йўл бўлсин. Ё бу ер шунчалик махфий жоймикин? Наҳотки, котибадан нариёққа ўтиб бўлмаса...

Бир томони — биз хафа бўлмасак ҳам бўлади. Чунки бизни ҳали ҳеч ким котиба билан телефонлашиш имкониятидан маҳрум қилган эмас! Биз ишхонага гарчанд ранжиб қайтган бўлсак-да, кечроқ яна ушбу имкониятни ишга солдик. Нариги томондан Санобархоннинг тағин қўнғироқдай овози эшитилди:

— Ғафуржон акам келмадилар, кечроқ бўлса-да, **пастдаги одамлар**ни муовинлари қабул қилдилар.

Алқисса, азиз муштарий, сиз учун аталган мулоқотни шу ўринда кечиктириб турамиз. Қачонгача дейсизми? Зирҳли қўрғон эшиклари очилгунча...

**Эсиргап БОЛИЕВ.**

*Муҳтожларга мурувват кўрсатиш, имконияти чегараланган кишиларга меҳрли бўлиш, беморларнинг ҳолидан хабар олиш, қарияларни эъзозлаш халқимизнинг боқий қадриятларидан саналади.*

# "САЛОМАТЛИК" ПОЕЗДИНИНГ САВОБЛИ САФАРИ

Пойтахтимиздан Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон томон йўл олган "Саломатлик" поездини ташкил этишдан асосий мақсад ҳам кам таъминланган кишиларни қўллаб-қувватлаш, экологик вазият беқарор минтақа аҳолисига баҳоли-қудрат ҳам тиббий, ҳам моддий кўмаклашишдир. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу поездда ўндан зиёд тиббий соҳа мутахассислари, дори-дармонлар, озиқ-овқат, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечаклар бор.

Мутахассислар бир неча кун давомида Навоий вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг чекка туманларида истиқомат қилаётган беморларга малакали тиббий ёрдам кўрсатишади, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этишади, тиббий маслаҳатлар ва хайрия ёрдамлари беришади. Зарурат туғилганда беморлар вилоят марказларидаги ва пойтахтимиздаги шифо масканларига юборилади.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**Вақтинча ишдан бўшатилди.** Литва Давлат хавфсизлиги департаментининг контрразведка бўлими бошлиғи Витаутас Дамулис ва унинг ўринбосари Вилмантас Беляускаснинг тақдири шундай ҳал этилди. Бу ҳақда мамлакат парламентининг Миллий хавфсизлик ва мудофаа қўмитаси раҳбари Альгимантас Матулявичюс журналистларга билдирди. Улар давлатнинг махфий маълумотларини ошкор қилганликда айбланаяпти.

**Gaz de France компанияси хусусийлашади.** Бунга Франция Сенати аъзолари розилик берди. Жорий ой бошида парламентнинг қуйи палатаси ҳам компаниянинг давлат ихтиёридан чиқаришга қаршилиги йўқлигини билдирганди. Айни пайтда компаниянинг 80,2 фоиз акциялари давлатга қарашли. Gaz de Francega асосан Suez энергетика компанияси даъвогарлик қилмоқда. Агар бу икки компания бирлашса, уларнинг капитали 70 миллиард еврога етади.



**Бош вазир пора олганми?** Бу саволга жавоб берар экан, Исроил бош прокурори ҳукумат раҳбари Эхуд Ольмерт ўтган йили молия вазирлигини бошқарган пайтда пора олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар борлигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Ольмерт нуфузли банклардан бирининг хусусийлаштирилиши жараёнида катта миқдорда пора олган. Бош вазир эса барча айбловларни қатъийлик билан инкор этмоқда.



**Россияликларни нималар қизиқтиради?** Кеча Россия Президенти Владимир Путиннинг россияликлар билан тўғридан-тўғри мулоқоти чоғида ушбу саволга жавоб топилди. Расмий маълумотларга қараганда, телевизор, радио, телефон, интернет ва SMS орқали икки миллионта савол келиб тушди. Аксарият россияликлар иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг қачон оширилиши масаласида мурожаат қилишган.



**Шимолий Кореяга нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланила бошланди.** Оқибатда мамлакатга кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами ҳам тўхтаб қолди. Мамлакатдаги БМТ вакили Витит Мунтарбхорннинг билдиришича, озиқ-овқат етишмаслиги юқори даражага кўтарилди. Мамлакатда кетма-кет сув тошқинларининг юз бериши натижасида далалардаги ҳосил нобуд бўлган.



**Чеклов эълон қилинди.** Буюк Британия ички ишлар вазири Жон Рид Болгария ва Руминиядан туманли албиёнга ишлаш учун келаётган фуқароларга нисбатан шундай чора кўрилишини билдирди. Бу икки давлатнинг 2007 йил январь ойида Европа Иттифоқига қўшилиши кутилмоқда. Эслатиб ўтамиз, 2004 йилда Буюк Британия ҳукумати мазкур давлатлар фуқаролари учун ўз эшикларини очганди. Ўшанда йилига ўртача 15 минг нафаргача ишчилар келиши тахмин қилинганди. Ўтган икки йил мобайнида уларнинг сони 600 минг нафарга етди.



**Ўзига қарашли оролни совға қилди**. «Формула-1» бўйича етти карра жаҳон чемпиони Михаил Шумахерга дубайлик шайх Муҳаммад бин Рашид Ал Матум Бразилияда ўтказилган мусобақанинг Гран-Присини қўлга киритгани учун шундай ҳиммат кўрсатди. У ўзининг Бирлашган Араб Амирликларидаги оролини спортчига ҳадя этди. Бу ҳақда пойгачининг менежери Вилли Вебер «Билд» газетасига маълум қилди. Орол ҳозирча 4,5 миллион долларга баҳоланмоқда.



**Фотомухбир гаровга олинди.** Сешанба куни Ғазо секторида «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг фотомухбири Эмилио Моренатти жангарилар томонидан ўғирлаб кетилган. Жангарилар ҳеч нарса талаб қилишмаган. Улар сураткашга аёллар кийимини кийдириб номаълум жойга олиб борган ва ўша куни кечқурун озод этишган. Ҳозирча журналист кимлар томонидан ва нима мақсадда ўғирланиб, кейин озод этилгани маълум эмас.



**Грузинлар ўз ватанларига депортация қилинаяпти.** Абхазия Ташқи ишлар вазирлиги Грузия оммавий ахборот воситалари тарқатган бу хабарни рад этди. Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилининг таъкидлашича, Абхазия транзит мақсадларида Грузия учун ўз йўлларини очишга тайёр.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга танлов эълон қилади.

**Мудирлар:** макроиқтисодиёт; тармоқлар иқтисодиёти; маркетинг; иқтисодиёт назарияси; халқаро бизнес; божхона иши; жисмоний тарбия ва спорт; туризм; тарих; чет тили — 1; чет тили — 2; молия ва солиқлар; статистика.

**Профессорлар:** тармоқлар иқтисодиёти; статистика; фалсафа; олий математика; молия ва солиқлар; педагогика ва психология; туризм; тарих.

**Доцентлар:** тармоқлар иқтисодиёти; Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; бухгалтерия ҳисоби; фалсафа; олий математика; маркетинг; ахборотлар технологияси; менежмент; иқтисодиётда ахборотлар тизимлари; педагогика ва психология; жаҳон иқисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар; жисмоний тарбия ва спорт; туризм; тарих.



ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАКДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

1. *Ректор номига ариза.*
2. *Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун).*
3. *Олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхалари (бошқа ташкилотлардан танловда қатнашишга ариза берганлар учун).*
4. *Илмий ишлари рўйхати.*
5. *Малака оширганлиги ҳамда қайта тайёрловдан ўтганлиги ҳақидаги дипломлар ва сертификатлар.*

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧОП ЭТИЛГАН КУНДАН БОШЛАБ 1 ОЙ.

Манзилимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй. ТДИУ, ходимлар бўлими. Тел.: 132-64-11, 132-61-97.

3436Н/1951



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ўз тиббиёт марказининг ташхис базасини кенгайтириш мақсадида Холтер бўйича ЭКГ рўйхатга олиш тизимини харид қилиш учун танлов эълон қилади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.
Қўшимча маълумотлар учун Ўзмиллийбанк тиббиёт марказида Ася Мажидовна Султонова ёки Ирина Николаевна Хорошиловага мурожаат қилиш мумкин.

Мулоқот учун телефонлар: 134-74-16, 134-74-17.

3448Н/91


## Анжуман

*Тиббий хизмат даражасини янада юксалтиришда фан ва амалиёт узвийлигини таъминлаш ғоят муҳим. Юртимизда яхши анъанага айланган шундай тадбирлардан бири Наманган вилоятида бўлиб ўтди.*

### Кун тартибида ихтисослашган хирургия масалалари

Вилоят тиббиётчиларининг илмий-амалий изланишлари боис эришилаётган ютуқлар эътиборга лойиқ. Бу ерда ташкил этилган бир қатор тадбирларда наманганликлар тажрибаси оммалаштиришга лойиқ эканлиги қайд этилган. Куни кеча республикамиз хирургларининг «Воҳидов ўқишлари» илмий-амалий анжумани шу ерда ташкил этилди. «Ихтисослашган хирургиянинг танланган масалалари» мавзусидаги мазкур анжуманга ўзбекистонлик шифокорлардан ташқари Россия ва Қозоғистондан машҳур жарроҳлар ҳам иштирок этишди.

Анжуман иштирокчилари таниқли олим ва шифокорларнинг айрим касалликлар муолажаси ва профилактикаси бўйича маърузаларини тинглашди. Айниқса, Россия Фанлар академияси академиги А. Черноусовнинг чиқиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Россия ихтисослашган хирургия маркази, Санкт-Петербург ҳарбий медицина академияси, МДҲ мамлакатлари тиббиёт марказлари, Тошкентдаги В. Воҳидов номли республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, Тошкент тиббиёт академияси олим ва тажрибали шифокорларининг маърузалари ҳам қизиқиш билан тингланди.

Илмий-амалий анжуман сўнгида ёш олимлар танлови ғолибларини мукофотлаш ва уларга махсус диплом топшириш маросими ўтказилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ALSKOM

*Бахтсиз ҳодисадан ишончли ҳимояга муҳтожмисиз?*

Ушбу ҳимояни «ALSKOM» Ўзбекистон-Россия қўшма суғурта компанияси таклиф этади.

Суғурта полислари бахтсиз ҳодиса туфайли соғлиғингизга ва ҳаётингизга етказилган зарарни қопланишининг ишончли кафолатидир.




Сиз полисни харид қилиб, 100 000 сўмдан 500 000 сўмгача суғурта қопламасига эга бўлишингиз мумкин.

**Полисларни мамлакатимизнинг барча почта бўлинмаларидан харид қилишингиз мумкин.**

Батафсил маълумотлар учун телефонлар: (371) 139-23-20, (371) 132-09-64.

Хизматлар лицензияланган.


*Китоб туманининг тоғли ҳудудида жойлашган Варганза қишлоғи ҳақида гап кетганда, энг аввало, унинг анори тилга олинади. Мутахассисларнинг фикрича, бу қишлоқ ҳудудида етиштирилган анор ўзининг ширадорлиги, қандлилиги билан бошқа жойлардагидан кескин фарқ қилади.*

# БИР ТУПДА 25 КИЛО АНОР

— Варганза анорини мамлакатимиздагина эмас, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида ҳам яхши билишади, қадрлашади, — дейди «Варганза-агро» агрофирмаси бош менежери Дилмурод Шодиев. — Россиянинг узоқ шимолидаги бозорлар расталарида ҳам бизнинг аноримизни кўрасиз. Айниқса, қайта ишловчилар кўп олишади. Чунки биз етиштираётган «Улфи», «Бедона», «Туятиши» анорларидан шарбат кўп чиқади, қандлилик даражаси 13 фоиздан кам бўлмайди. Бунинг устига доналари пўстидан осон ажралади. Бир сўз билан айтганда, саноатбоп анор. Ҳозир Тошкентдаги «Geen World» қўшма корхонаси билан 500 тонна анор етказиб бериш бўйича шартнома тузганмиз. Шу кунларда ҳар куни 30-40 тонна анор жўнатаяпмиз. Бундан ташқари Тошкент, Самарқанд, Нукус, Урганч бозорлари билан 600 тонна анор сотиш юзасидан шартномамиз бор. Олти ой давомида бу бозорларга сифатли анор етказиб берамиз.

Илгари барча анорзорлар «Варганза» ширкат хўжалигига қарарди. Бу йил баҳорда ширкат хўжалиги тугатилиб, фермерлик жорий этилди. Ҳамма боғлар тендер асосида сотилиб, 84 та фермер хўжалиги тузилди. Ширкат хўжалигида ишлаган бирор киши боғсиз қолмади. Чунки анорчилик кўп меҳнат талаб қиладиган иш. Кўп ишчи кучи керак бўлади.

— Бир гектар майдонда 625 туп анор дарахти бор, — дейди «Шоҳнур Шавкат Боқиевич» фермер хўжалиги раҳбари Боқижон Раҳимов. — Бир оила 120-150 туп анорни эплайди, ундан келадиган даромад оиланинг эҳтиёжини қоплайди. Бизнинг фермер хўжалигимиздан 6,5 гектар ер бор, 30 киши ишлаймиз. Илгари бош пудратчи бўлиб ишлаганман. Фермерлик яхши экан. Ҳар гектар ердан 600 центнердан анор йиғиштириб олдик. Ҳосилни қайта ишлаш корхонасига сотишни ташкил этиш бўйича «Варганза-агро» фирмаси билан шартнома тузганмиз. Ортиқча анорни ўзимиз сотамиз.

Анор терадиган пайт эмасми, одамларнинг кайфияти зўр. Ҳар бири чойнакдек келадиган анорларни узиб, қутига жойлаётган боғбонлар бир йиллик меҳнати натижасидан мамнун.



«Солиев Ашурали Собирович» фермер хўжалиги анорзорининг файзи ўзгача. Дарахтлар бўлиқ, анорнинг ранги тиниқ. Фермер бу йил ҳар туп дарахтдан ўртача 8 килограммдан ҳосил олибди. «Бу кам-ку» деган саволимизга ишонч билан «келгуси йили кўрасиз, янги боғ, энди ҳосилга кирди. Кучга тўлса, ҳар тупидан 20-25 килограммдан кам бўлмайди, боғни янгилаб боришда ҳикмат кўп», деб жавоб берди.

— Анорни кўраман десангиз, бизнинг боққа юринг, — дейди тажрибали фермер Эргаш Ражабов. — Навни танлаганмиз, ишловни ҳам жойига қўйганмиз. Яхши ҳосил оламан, деган боғбон баҳордан кузгача анорзордан чиқмаслиги керак. Дарахт инсон меҳрига қонса, ҳосили ҳам мўл бўлади.

Анорзорни кўздан кечирар эканман, фермернинг гапи билан иши бирлигига ишонч ҳосил қилдик. У «Бедона» навли битта анорни чиройли қилиб кесди. Пўсти юпқа, доналари катта-катта, данаги кичкина, фермернинг қўлида қип-қизил атиргул пайдо бўлди.

Дарвоқе, анор тоғ оралиғидаги бу қишлоққа қандай келиб қолган? Нега шароити бир хил бўлган қўшни қишлоқларда анорчилик билан шуғулланилмайди? Бу саволларга жавобни 75 ёшли нуроний отахон Темур бобо Алиевнинг ривоятидан топгандек бўлдим. Айтишларича, бундан неча юз йиллар илгари Варганзанинг тепасидаги пурвиқор Башир тоғларидаги тошлар орасида бир туп анор пайдо бўлган экан. Оллоҳнинг иродаси билан бу анор тоғнинг қорли-қировли қиш пайтларида қўмилмасдан очиқ турса ҳам совуқ урмас, ҳосил бераверар экан. Қишлоқ аҳли бу анордан қаламча олиб, анорзорлар барпо қилган. Ҳозир тоғ тепасидаги анор йўқ. Қариялар «Тоғдаги анор варганзаликларга Оллоҳ томонидан юборилган ризқ эди, у ҳозир қишлоқдаги анорзорларга кўчган», дейишади. Балки бу бир ривоятдир. Лекин варганзаликларнинг анордан ризқ-рўз топаётганлиги, оилалар фаровонлашаётгани бор ҳақиқат.

**Б.НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори қабул қилинганига эндигина ярим йил бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида унинг жойлардаги бўлинмалари нафақат мижозларини кўпайтиришга, балки уларнинг ишончига киришга улгурди.**



# «МИКРОКРЕДИТБАНК» — ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилояти филиалида дастлаб 5 та туман филиали бўлган бўлса, бугунги кунда унинг мини банклари сони 17 тага етди. Бу эса барча ҳудудларда банк хизмати кўрсатиш имконини бермоқда.

— Аслида, гап филиалларнинг сони ёки мини банкларнинг кўплигида эмас, — дейди вилоят филиали бошлиғи Маликшоҳ Юсупов. — Биз уларнинг фаолиятини хизмат кўрсатиш турлари, тармоқларини кенгайтириб бораётганига қараб баҳолаймиз.

Ҳозирга қадар филиалимиз томонидан 63 та юридик шахсга бизнесни ривожлантириш учун 281 миллион сўмлик, 22 та тадбиркорлик субъектига бошланғич сармоя сифатида эса 17 миллион 140 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Тадбиркор ва фермерларга кўрсатилган микролизинг хизматлари 65 миллион сўмни ташкил этмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, кичик технологияларни жалб қилишга қаратилган маблағлар бунга кирмайди.

Муҳими, тадбиркорларга микрокредитларни тарқатиш микролизинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилгач, вилоят бўйича 177 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг кучи билан эса 5 ойда 57 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Таъкидлаш лозимки, мижозларнинг асосий қисми фермер хўжаликларидир. Шу боис «Микрокредитбанк» республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида ҳам муайян ишларни бажармоқда. Жумладан, жорий йилда пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида 897 та фермер хўжалигига 4 миллиард 293 миллион сўм, ғалла ҳосили етиштириш учун эса 527 та фермер хўжалигига 898 миллион сўм кредит ажратилди. Буларнинг ҳаммаси мини банклар ходимларининг ишчанлиги, уддабуронлиги, ташаббускорлиги самарасидир. Келинг, далилларга мурожаат этайлик.

Пахтакор туманидаги Амир Темур номли агрохизмат маркази ҳудудида ташкил этилган «Гулистон» мини банки 47 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатади. Ўразбой Кангилов раҳбарлик қилаётган мини банкнинг октябрь ойигача бўлган даромадлари салкам 5 миллион сўмни ташкил этди. Атиги 3 нафар ходим ишлайдиган бу жамоани қувонтирган нарса шуки, улар хизмат кўрсатаётган фермер хўжаликларнинг деярли барчаси давлатга ғалла ва пахта сотиш шартномавий режаларини бажардилар. Демак, берилган кредитлар ҳам ўз вақтида, тўлалигича қайтарилишида ҳеч қандай узилиш бўлмайди.

«Жавлон» фермер хўжалиги раҳбари Кенжабой Муродов «Микрокредитбанк»нинг мини банкидан 2,5 миллион сўмга яқин кредит олган эди. Натижада ғалла ўрим йиғимини жуда тез, сифатли якунлашга эришди. Давлатга эса 72,5 тонна ғалла сотди.

Чигит экиш даврида унга берилган 17,2 миллион сўм кредити ҳам бундан-да фойдали бўлди. Ғўзага ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда ишчи кучи, техникага зориқиб қолмади. Ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар узилишига йўл қўйилмади. Пировардида давлатга пахта сотиш шартнома режасини вилоятда биринчилардан бўлиб 103 фоизга бажаришга эришди.

«Шодлик Х» фермер хўжалиги эса янги банк хизматига таяниб, пахта етиштирадиган майдонни 31,3 гектарга кенгайтирди. Бу хўжалик ҳам банкнинг 10,9 миллион сўм кредитини расмийлаштириб янглишмаган экан. Бугун эл олдида унинг юзи ёруғ: пахта тайёрлаш режаси аллақачон ошириб уддаланган. Фақат шугина эмас. Яқинда «Микрокредитбанк» АТБ филиали томонидан ўтказилган мониторинг натижалари Гулистон мини банки мижози — «Шодлик Х» фермер хўжалигидаги мавжуд техникаларни таъмирлаш учун 2 йил муддатга камида 4 миллион сўм кредит ажратиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берди. Бундай имтиёзларга сазовор бўлаётган мижозлар сони эса кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

«Микрокредитбанк»нинг Мирзачўл тумани филиали томонидан эса 146 та фермер хўжалигига пахта етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадида 1,56 миллиард сўм, ғалла ҳосили етиштириш учун 415,4 миллион сўм кредит маблағи берилган эди. Бу туман филиаллари ўртасида энг катта кўрсаткичдир. Натижалар ҳам шунга яраша бўлди. Хусусан, 136 гектар ерда деҳқончилик қилиш учун «Наргиза» фермер хўжалиги 31 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит олиб, ҳам ўз жамоаси қаддини тиклади, ҳам туманнинг пахта хирмони юксалишига муносиб ҳисса қўшди.

Шу ўринда банк филиаллари ва мини банклари ўзлари ишлаб топган маблағлар ҳисобидан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлари сотиб олишда ёрдам бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мисол учун, ўтган давр мобайнида шу мақсадларга берилган кредитлар 218,3 миллион сўмдан ошиб кетди.

— «Микрокредитбанк» — деҳқоннинг айни кўнглидаги банк, — дейди биз билан суҳбатда Пахтакор туманидаги «Бобомурод» фермер хўжалиги раҳбари Хўжабек Якубов. — Ер ҳайдаш, уруғ сепиш, ғалла ўриш ва пахта териш мавсумларида маблағга зарурат туғилса, шу заҳотиёқ банкка мурожаат этиб, эҳтиёжимизни қондиришимиз мумкин. Фақат банкнинг ишончини қозонмоғимиз зарур. Ана шунда ҳар икки томон учун ҳам манфаатли шартномалар тузилаверади.

Фермер ҳақ гапни айтди. Банклараро ўзаро рақобат кучаётган ҳозирги пайтда ҳар бир банк ходими ҳам ўз жамоасининг мижозлари ишончига сазовор бўлишни ўйлаши лозим. Жорий йилда «Микрокредитбанк»нинг вилоят пахтакорлари билан 897 та, ғаллакорлар билан 527 та шартнома тузишга улгурганлари эса уларнинг нечоғли изланиб, ташаббус кўрсатиб ишлаётганликларини кўрсатиб турибди. Муҳими, бу даврда қишлоқ хўжалик корхоналарига 5,2 миллиард сўмликка яқин кредит ажратилди. Ўтказилган мониторинглар пахта ва ғалла ҳосили учун берилган кредитлардан самарали фойдаланилганлигини исботламоқда.

Бугунги кунда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг вилоятдаги жами мижозлари сони 4317 тага етди. Сўнгги уч ой давомида улар сафига 282 та мижоз қўшилгани жамоанинг обрў-эътибори ортиб бораётганидан далолат беради.



Демак, банк ходимлари бозор иқтисодиёти талаблари асосида фаолият юритиб, мижозларга тўғри келадиган, уларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган кредит линияларини ишлаб чиқишга эришмоқдалар. Бунда, айниқса, ҳар бир мижоз билан алоҳида ишлаш уларга амалий ёрдам кўрсатиш имконини кенгайтирмоқда.

Бунга қандай қилиб эришилмоқда? Аввало, капитални шакллантириш учун аҳоли қўлидаги бўш пул маблағлари жалб этилмоқда, нақд пулсиз хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилиб, банк активлари тўғри йўналтирилаяпти. Оқибатда эса банкнинг мижозлари сони ортиб, пул айланиш даражаси юқори бўлаётир.

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган табригида таъкидлаганидек, деҳқонларнинг ижобий мақсадларга эришишида уларни кредит ресурслари, янги техникалар, минерал ўғит ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш тўғри ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки вилоят филиали жамоаси эса бундай ютуқларни келгусида ҳам кўпайтириш ниятида фермерларга астойдил банк хизматлари кўрсатаверади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

**Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ининг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан бирмунча ишлар амалга оширилди. Бу, айниқса, иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, мини банклар тармоғини кўпайтириш, акциядорлар ҳамда бошқа кредиторлар манфаатларини ҳимоялашда ўз аксини топди. Натижада унинг белгиланган стратегик ривожлантириш бизнес-режаси тўлиқ бажарилди, банк хизматлари бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланди.**

# «Пахтабанк»: ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

— Банк тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишни чуқурлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли умумий активларимиз ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада ошди, — дейди бошқарма бошлиғи Бадриддин Насриев. — Аниқроғи, улар, 2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, 33,1 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 51,5 миллиард сўмга етди ёки 1,7 маротаба кўпайди.

Маълумки, банк универсаллигини таъминлаш кўп жиҳатдан юқори малакали ва тажрибали ходимларнинг ўз вазифаларига қай даражада ёндашувлари ҳамда изланувчанликларига боғлиқ. Шу боис бошқарма жамоаси доимий равишда ўзининг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини кучайтириш ҳамда аҳоли ва кенг жамоатчиликнинг банкка бўлган ишончини қозониш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда.




Айни чоғда банкнинг жойларда 19 та филиали ва 43 та мини банки мавжуд. Улар ўтган тўққиз ой ичида халқ хўжалиги турли тармоқларининг 12 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларига малакали банк хизматлари кўрсатди. Муҳими, ана шу даврда банк ва унинг филиалларида 2100 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамлари очилди.

Буларнинг ҳаммаси изланиш ва интилишлар, яъни банк хизмат даражасининг кенгайтирилиши, филиаллар ва мини банклар хизмати туфайли вилоят ҳудудидаги бюджетдан ташқари жамғармалар билан яқин алоқалар ўрнатилгани, уларнинг маблағлари ҳисобига иқтисодиётнинг устувор йўналишларини молиялаштириш кучайтирилгани натижасидир.

Гап шундаки, мулкчилик шаклидан қатъи назар қишлоқ хўжалик, саноат, таъминот-тарқатиш, тайёрлов, савдо, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги корхоналарни кредитлаш сиёсати банк филиаллари орқали амалга оширилаяпти. Мисол учун, 2006 йилнинг 1 октябрига келиб, банкнинг умумий кредит қўйилмалари 43,1 миллиард сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 27 миллиард сўм ёки 2,6 баравар кўпдир.

Ана шу кредит қўйилмаларининг 23,1 миллиард сўми қишлоқ хўжалигига, 10,9 милиард сўми саноат корхоналарига, 5,1 миллиард сўми моддий-техника таъминоти ва тайёрлов корхоналарига, қолган 4 миллиард сўми эса савдо, қурилиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги корхоналарнинг ҳиссасига тўғри келди.

— Ҳар қандай корхонанинг ривожланиши, биринчи галда, унинг молиявий аҳволига боғлиқ, — суҳбатга қўшилади бошқарма кредит таваккалчилигини бошқариш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Комил Аҳмедов. — Биз мижозларнинг айни шу жиҳатини доимий равишда ўрганиб борамиз, зарур ҳолларда молиявий томондан кўмак берамиз. Мижозларнинг талаблари асосида эса энг муҳим хизматларни йўлга қўямиз. Натижада нима бўляпти?

Банк томонидан ажратилаётган кредитлар мижозларнинг иқтисодий имкониятлари ошишига хизмат қилаяпти. Айниқса, жорий йилнинг ўтган давридаги ана шундай ҳаракатлар анча самарали бўлди. Масалан, қишлоқ хўжалик ва «Агромашсервис» корхоналарига ҳар хил русумдаги тракторлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини сотиб олиш учун 2,7 миллиард сўм миқдорида кредит берилди. Бундан ташқари, фермерларга 20 та «КЛААС — Даминатор» русумли ғалла ўриш комбайнлари харид қилинди.

Шу билан бирга, ғалла ва ғўза экинларини турли касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш мақсадида тегишли марказларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобига 4,2 минг тоннадан ортиқ кимёвий воситалар сотиб олинди.

«Пахтабанк»нинг тумандардаги филиаллари, шунингдек, пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун ширкат ва фермер хўжаликларини мунтазам равишда имтиёзли кредитлар билан таъминлаб келаяпти. Айтайлик, жорий йилда ғалла ҳосилини етиштириш учун 6,3 миллиард сўм, пахта етиштириш харажатларига эса 15,6 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ўз вақтида ажратилди. Пахта йиғим-терими даврида эса 10-15 та фермер хўжалигига биттадан банк ходими бириктириб қўйилди ва терилган пахта учун ажратилган маблағларнинг ўз вақтида далаларда тарқатилиши қатъий назорат қилиб борилди.




Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам доимо қўллаб-қувватлаб келаяпти Жумладан, йилнинг тўққиз ойида уларга 5007 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 1390 миллион сўм зиёддир.

Янги иш ўринлари яратишга ҳам банк томонидан жиддий эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Йил бошидан буён берилган кредитлар ҳисобига 3798 нафар киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилгани, бундай ҳаракатлар бугунги кунда ҳам давом эттирилаётгани шундан далолат беради.

Эътиборлиси, банкда нақд пул муаммоси аллақачон тўлиқ ҳал этилган. Ўтган тўққиз ой мобайнида банк филиаллари хазинасига 55,1 миллиард сўм миқдорида нақд пул туширилди. Бу эса мижозларнинг нақд пулга бўлган талабини биринчи сўровдаёқ қондириш имконини яратди.

Банк томонидан хизмат кўрсатувчи савдо ташкилотларига эса ўтган даврда харидоргир ва тез нақд пулга айланадиган халқ истеъмоли моллари сотиб олиш учун 7,8 миллиард сўмлик маблағлар ўтказилди.

Шунинг эвазига банк хазинасига 9,4 миллиард сўм нақд пул тушди. Бу ўтказилган маблағларга нисбатан 1,6 миллиард сўм кўпдир.

Аҳолининг банкдаги омонатлари миқдори ҳам йилдан-йилга ошиб бораяпти. Бу жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, омонатларнинг янги турларини жорий қилиш бўйича кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишларининг натижасидир.

Чунончи, 2005 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 1784 миллион сўмни ташкил этган эди. Бугунга келиб эса, бу кўрсаткич 5271 миллион сўмдан ошди ёки 2,9 бараварга ўсди.

Нақд пулларнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида эса банк томонидан 51512 дона пластик карточка тарқатилди. Савдо, ёнилғи қуйиш шохобчалари, дорихоналар ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқларда 160 та терминал ўрнатилди. Улар орқали шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 3,7 миллиард сўмлик товар айланмалари ва ҳар хил хизматлар амалга оширилди.

Сарҳисоб эришилган ютуқлар билан биргаликда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса банк зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Шунинг учун жамоа келгусида бажариладиган муҳим вазифалар, хизмат даражасини янада юксалтириш борасидаги йўналишлар юзасидан ҳозирданоқ тегишли чора-тадбирларни белгилаб, истиқболли режаларни тузиб, шу асосда иш юритмоқда.



**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

